*Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси олдидан*

# ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ САРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Депутатлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрларига оид масала ҳам киритилмоқда. Уларда ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминлашга, инфляция даражасини пасайтиришга, макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичларни янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилмоқда. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш устувор йўналишлар сифатида белгиланмоқда. Иқтисодиёт чекига тушаётган солиқ юкини, хусусан юридик шахсларнинг даромад солиғи ставкаларини пасайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам назарда тутилмоқда.

Депутатлар "Экспорт назорати тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқадилар. Бу ҳужжат ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуроли ва уни етказиб бериш воситаларини, қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техниканинг бошқа турларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари мамлакатдан олиб чиқилиши устидан назорат механизмини яратишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида экспорт қилувчининг экспорт назорати объектларини олиб чиқиш учун ваколатли органнинг рухсатини олиш борасидаги мажбурияти белгилаб берилган. Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш тартиби устидан назорат олиб чиқилаётган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларининг божхона расмийлаштируви пайтида амалга оширилади.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида бошқа давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Япония, Россиянинг шу соҳадаги қонунчилик тажрибаси синчиклаб ўрганиб чиқилди. Ўйлаймизки, "Экспорт назорати тўғрисида"-ги Қонун нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки муайян даражада минтақамизда, қолаверса, умуман бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг ишончли воситаси бўлиб хизмат қилади.

"Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштириб борадиган бундай операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қиладиган, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органи тузишни назарда тутади.

Махсус ваколатли давлат органининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларига доир қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Мамлакатимизнинг аграр тармоғида содир бўлаётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи хўжаликлар билан тайёрловчилар ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бормоқда, мулкчилик шакли ўзгарди, ижара принциплари ва шартнома муносабатларига асосланган хўжалик юритиш тизими такомиллашиб бормоқда. Қонун лойиҳаси фермер хўжаликларини рўйхатга олиш муддатлари ва тартибини янада аниқроқ белгилаб беради, фермер хўжалигининг ҳуқуқлари, мажбуриятларини, бундай хўжаликлар фаолиятининг ташкил этилиши ҳамда бошқа ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатлари асосларини аниқ таърифлаб беради.

Мазкур ҳужжатда фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқача тарзда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларга муайян имтиёзлар берилмоқда. Фермер хўжалиги ерларни ўз ҳисобидан ўзлаштирган тақдирда ўзлаштириб бўлинганидан кейин беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинади. Фермер хўжалиги фаолиятини текширишни чеклаш лойиҳанинг алоҳида моддасида белгилаб берилган. Бундай текширишлар давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот реализация қилишга доир шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат кўзланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги қонун ижарага олинган ер участкаларидан тўғри ва омилкорлик билан фойдаланилиши учун, ерни асраб-авайлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер фонди ресурсларини сақлаб қолиш учун фермернинг масъулиятини оширишга қаратилгандир.

"Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармаларининг) ҳамда бюджет ташкилотлари ихтиёридаги бюджетдан ташқари маблағларнинг ғазначилик ижроси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси деганда Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазначилик ҳисобварағига киритиш, шунингдек, бюджет харажатларини шу ҳисобварақдан тўлаш тушунилади.

Қонун лойиҳасига кўра Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Ғазначиликнинг асосий вазифалари сирасига Давлат бюджетининг касса ижроси, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш, Давлат бюджети маблағларини бошқариш, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси давлат ички ҳамда ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш ва бошқалар киради.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бўлғуси парламент аъзоларига қонунда белгилаб берилган ваколатларини ўз кундалик фаолиятларида тўлиқ меъёрда, самарали тарзда ва монеликсиз амалга ошириш имконини беради. Лойиҳада Қонунчилик палатаси депутати ҳамда сенаторнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тартибга солинган. Парламент аъзоларининг ҳуқуқлари аввалги даражада қолаётган бўлса-да, уларнинг мажбуриятларига баъзи янгиликлар киритилмоқда. Чунончи, тегишли моддада депутат ва сенаторнинг палаталар мажлисларида, агар у палатанинг муайян қўмита ёки комиссиясига, шунингдек, келишув комиссиясига сайланган бўлса, уларнинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда шахсан иштирок этиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Бу нормалар ҳаёт тақозоси бўлиб, бўлғуси парламент аъзолари масъулиятини ошириш ва тартиб-интизомини мустаҳкамлаш заруриятидан келиб чиққан.

Маълумки, Қонунчилик палатаси депутатлари тўғридан тўғри халқ томонидан сайланади ва халқ вакиллари ҳисобланади. Шу сабабли ҳам уларнинг сайловчилар билан олиб борадиган ишлари қонун лойиҳасида алоҳида қоидаларда ўз ифодасини топди. Мазкур ҳужжатда айтилишича, депутат ўз округи сайловчилари билан алоқа боғлаб туриши, ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиши, фуқароларни қабул қилиши лозим. У йилига камида бир марта ўз фаолияти ҳақида сайловчиларга ахборот бериши шарт.

Қонун лойиҳасида Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор фаолиятининг асосий кафолатларига тааллуқли нормалар ҳам берилган. Депутат, сенатор ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади, бинобарин тегишли палатанинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Сессияда муҳокама этиш режалаштирилаётган "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"-ги Қонун лойиҳасида ҳам маҳаллий ҳокимият органларидаги халқ сайлаган вакилларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда депутатлар фаолиятининг асосий кафолатлари белгилаб берилган. Ҳужжатда депутат сўровини юбориш ва муҳокама қилиш тартиби, депутатнинг мансабдор шахслар томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқи, депутатлик фаолиятини ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасини бажариш билан уйғун тарзда олиб бориш, депутатлик одобига риоя этиш масалалари муфассал тарзда тартибга солиб берилмоқда.

Икки палатали парламент фаолиятини ташкил этиш учун зарур ҳуқуқий ҳужжатлардан бири "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасидир. Бу ҳужжат парламент аъзоларининг халқ олдидаги масъулиятини оширишга, депутатлар ҳамда сенаторларнинг ўз сайловчилари билан доимий алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"-ги ҳамда "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини мамлакат парламенти муҳокамасига биринчи ўқишда киритиш мўлжалланмоқда.

Сессия янги таҳрирдаги яна бир ҳужжатни – "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқади. Маълумки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширувчи Омбудсман институти Олий Мажлис тузилмаларидан бири бўлиб, мазкур институт тўғрисидаги янги Қонун лойиҳасида икки палатали парламент шакллантирилиши муносабати билан тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўз ифодасини топган.

Қонун лойиҳасида Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатилган. Олий Мажлис Вакили шикоятларни кўриб чиқаётганда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларни ўз ташаббуси билан текшираётганида ёрдам сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш, ташкилотларга монеликсиз кириш, шикоятларни кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар, материаллар, маълумотларни ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслардан сўраш ва олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун материалларни тегишли органларга юбориш ҳуқуқига эга.

Депутатлар Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2000–2004 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳам эшитадилар. Омбудсман ўтган тўрт ярим йил мобайнида инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида катта иш қилди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 1995 йилда ташкил топган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти жамиятимизда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда катта роль ўйнади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2000–2004 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам сессия муҳокамасига киритилмоқда. Тайёрланган ҳужжатда мамлакат қонун чиқарувчи олий органи иш натижалари, шу жумладан, депутатлар фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича, хусусан, қонунчилик, қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назорат, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги ҳамда ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига амалий ёрдам кўрсатиш соҳалари бўйича иш натижалари якунлари сарҳисоб қилинган.

Бундан ташқари, сессия бошқа бир қанча масалаларни, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ҳамда Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқади.

Иккинчи чақириқ парламентининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Кенгаши қарори билан ташкил этилган депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари сифатида шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, ҳар бир қўмита, ҳар бир комиссия қилинган ишларга, айниқса, сессия арафасидаги даврда амалга оширилган ишларга салмоқли улуш қўшди. Қонун лойиҳалари устидаги ишларга турли вазирликлар ва идораларнинг, ташкилотларнинг, илмий-текшириш институтларининг мутахассислари жалб этилди. Махсус муҳокамалар, илмий-амалий семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказилди. Натижада биз депутатларга давлат аҳамиятига молик муҳим қонун лойиҳаларининг каттагина туркумини олдиндан ўрганиш ҳамда сайловчилар билан учрашувларда муҳокама этиш учун тайёрлаб, барвақт жўнатишга муваффақ бўлдик.

Олий Мажлис Кенгаши бизнинг олдимизга ғоят масъулиятли вазифа, яъни парламентнинг навбатдаги сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳамда иш асносида чиқиб қоладиган барча масалаларни мувофиқлаштириб бориш ва илдамлик билан ҳал этиш вазифасини қўйган эди. Шу сабабли ишимизга барча депутатларни жалб этишга ҳаракат қилдик. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органларидан ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари самарали иш олиб бориши учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилди. Шунинг самараси ўлароқ, қонун лойиҳаларини, сессияга тааллуқли бошқа ҳужжатларни муҳокама этишда уларнинг фаоллиги анчагина ошди.

Депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари ўз ишларида Олий Мажлиснинг малакали мутахассислардан иборат Котибиятига таянди. Ўн бешинчи сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи белгиланган барча тадбирларни кўп жиҳатдан Котибият ходимларининг ҳалол ва виждонан қилган меҳнатлари шарофати билан муваффақиятли бажарди. Ишончимиз комилки, халқ сайлаган депутатларнинг бўлғуси анжумани профессионал ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтади.

# Қўмита ва комиссияларда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу куни Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар дастлаб қўмита томонидан сессия муҳокамасига тақдим этилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Сўнгра қўмита аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенатининг аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги (янги таҳрир), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди.

Бундан ташқари, йиғилишда қўмитанинг назорат-таҳлил фаолиятига кўра «Транспортда содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Қонун нормаларининг ички ишлар органлари томонидан қўлланиши масаласи ҳам муҳокама қилинди. Ушбу Қонун ижроси юзасидан муайян ишлар олиб борилаётгани билан бир қаторда камчиликларга йўл қўйилгани ҳам рўй-рост айтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда даставвал қўмита раиси И. Кочмарик депутатларни Олий Мажлиснинг XV сессияси кун тартиби билан таништирди. Қўмита аъзолари ушбу масала юзасидан ўзаро фикр алмашиб, уни бир овоздан тасдиқладилар. Сўнгра Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»-ги қарори лойиҳасини ҳам муҳокама қилиб маъқулладилар.

***

Кеча Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмита аъзолари, парламент депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг XV сессияси кун тартиби лойиҳаси ҳақида қўмита раисининг ўринбосари Ойниса Мусурмонова маъруза қилди. Шундан сўнг депутатлар кун тартибига киритилиши назарда тутилаётган масалалар юзасидан фикрлашиб, уни бир овоздан маъқулладилар.

Қўмитанинг 2000-2004 йиллардаги фаолияти бўйича тингланган ҳисоботда шу давр ичида амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***

Шу куни бўлиб ўтган Матбуот ва ахборот қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Олий Мажлиснинг XV сессияси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари, шунингдек, қўмита фаолияти ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Йиғилишни қўмита раиси Ўткир Ҳошимов бошқарди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид ўнга яқин қонун ишлаб турибди. Айтиш мумкинки, мамлакатимизда журналистларнинг кенг қамровли ва эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий замин яратилган.

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси ўрганилганда, бу соҳада амалга оширилган бир қатор ижобий ўзгаришлар айтиб ўтилди, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш ва тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ошганлиги, фақат марказий нашрлар ва телерадиодагина эмас, вилоятлардаги оммавий ахборот воситаларида ҳам бу мавзуда теран ва таҳлилий чиқишлар кўпайиб бораётгани, бу эса аҳолининг ҳуқуқий билимини юксалтиришга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***

Шу куни Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг ҳам сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси А. Турсунов бошқарган ушбу йиғилишда депутатлар дастлаб парламентнинг бўлажак сессияси кун тартибини тасдиқладилар. Сўнгра қўмита аъзолари «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Шунингдек, йиғилишда қўмитанинг назорат-таҳлил режасига мувофиқ, «Фуқаролар мудофааси тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижроси таҳлил қилинди. Бундан ташқари, қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти ҳам кўриб чиқилди.

***

Шу куни Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Шарифа Салимова олиб борди.

Дастлаб депутатлар Олий Мажлис XV сессияси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиб, уни бир овоздан маъқуллашди.

Шундан сўнг "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси юзасидан қўмита раисининг ҳисоботи тингланди. Маълум бўлишича, баъзи корхоналар фаолияти ўрганилганда, хотин-қизларнинг меҳнат қилиши учун шароит етарли эмаслиги, меҳнат шартномаларини тузиш ва ўзгартиришда қонунбузарликка йўл қўйилаётганлиги аниқланган. Комиссия йиғилишида ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, икки сессия оралиғида комиссия фуқаролардан тушган аризаларни атрофлича ўрганиб, мутасадди идоралар ҳамкорлигида ижобий ҳал этиш чоралари кўрилганлиги ҳам йиғилишда таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбирларимиз.**

# Партиялар фракцияларида

Кеча Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур фракция раҳбари А. Турсунов олиб борди.

Бўлиб ўтган йиғилишда дастлаб парламентимизнинг эртага бошланажак сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги масалани ҳам муҳокама этдилар. Бу ҳақда депутатларга республика молия вазири ўринбосари Ж. Қўчқоров ахборот берди. Шундан сўнг ФМДПнинг Олий Мажлисдаги фракциясининг икки сессия оралиғидаги фаолияти таҳлил этилди.

Фракция аъзолари йиғилишда кўрилган масалаларни маъқулладилар.

***

Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракциясининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари И. Кочмарик олиб борди. Йиғилишда дастлаб Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида молия вазири С. Раҳимовнинг ахбороти тингланди. Давлатимизнинг ушбу молиявий ҳужжати ижроси фракция аъзолари эътиборини тортди. Депутатлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Шунингдек, йиғилишда бўлажак сессия кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди. Ҳар бир масалага фракция ўз таклифларини берди.

***

Шу куни «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Иброҳим Ғафуров олиб борди. Йиғилишда Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар кўриб чиқилди. Муҳокамага қўйилаётган қонунлар лойиҳалари ва қатор ҳужжатлар ҳақида фракция аъзолари ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Фракция «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги масалаларни ҳам кўриб чиқди. Бу ҳақда республика молия вазири ўринбосари Ж. Қўчқоров ахборот берди.

«Миллий тикланиш» фракцияси парламентнинг бўлажак сессияси кун тартибини маъқуллади ва кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

**Ўз мухбирларимиз.**

**ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛИ 13**

***2004 йилнинг 6 ойи мобайнида республикамизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми илк бор 6,2 фоизга ўсганлиги, инфляция кескин пасайиб, унинг даражаси 0,8 фоизга тенг бўлгани, яъни дефляцияга эришилгани қайд этилди.***

***Миллий валютамиз барқарорлигини шу даражада таъминлашда, шак-шубҳасиз, банк тизимининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Чунки у иқтисодиёт локомотиви бўлиб, ушбу соҳанинг бошқа тармоқларини ҳам ўз ортидан эргаштириб бормоқда.***

***Мустақиллигимизнинг 13 йиллик шодиёнаси арафасида мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Файзулла МУЛЛАЖОНОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.***

# ПОЙДЕВОРИ ПУХТА

— Мамлакатимизда мустақил банк тизимининг шаклланиши, кўп сонли акциядорлик-тижорат, шўъба, хусусий, қўшма ҳамда чет эл капитали иштирокидаги банкларнинг пайдо бўлиши истиқлол неъматидир, — деди Файзулла Мақсуджонович. — Қолаверса, истиқлол бизга давлатимизнинг ўз миллий валютаси — сўмга эга бўлиш имконини берди.

Шу ўринда Президентимизнинг жамиятнинг қон томири — банк тизимини шакллантириш, уни ривожлантиришга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Негаки, Ўзбекистон ҳали собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даврдаёқ Юртбошимиз республикамизда мустақил банк тизимининг тамал тоши қўйилишига раҳнамолик қилди. Хусусан, 1990 йилда Ўзбекистонда саноат, сув хўжалиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қурилиш корхоналарини молиялаш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, қўшма ва юқори рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида пайчилик асосида «Турон» бирлаштирув тижорат банки ташкил этилган бўлса, «Ҳамкорбанк» ва «Ипак йўли» банки ҳам ўша йили фаолият бошлаган эди.

Ёки бўлмаса, бугунги кунда энг йирик банклар — «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Пахтабанк»ни олиб кўрайлик. Биринчиси 1991 йил 23 апрелда, «Пахтабанк» эса 1991 йил 24 майда «Агросаноатбанк» шаклида ташкил этилган.

Булардан кўзланган асосий мақсад, албатта, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, халқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш, давлатлараро, минтақалараро ва тармоқлараро дастурларни кредитлаш ҳамда ссуда фондидан янада оқилона фойдаланишдан иборат эди. Бугунги кунга келиб, нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида йирик банклар қаторига кириб улгурган ана шу банклар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли уддалаб келмоқдалар.

Шуниси эътиборлики, банк тизимини иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири сифатида қўллаб-қувватлаш ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Мисол учун, ўтган йиллар мобайнида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар айнан миллий валютамиз, кредит ва банк тизимларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бу ҳужжатларни бозор иқтисодиётига ўтишда «Давлат — бош ислоҳотчи» деган тамойилнинг ёрқин ифодаси, десак, асло муболаға бўлмайди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тижорат банклари 4 йилга солиқларнинг беш турини тўлашдан озод этилди. Дунё банк амалиётида камдан-кам учрайдиган бу тадбир давлатимиз раҳбари томонидан банк тизимига билдирилган улкан ишонч бўлиб, у банк тизимининг моддий-техник базасини жаҳон андозалари даражасига етказиш ва республикамизда Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида илк бор ягона электрон тўлов тизимини яратиш имконини берди.

Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳоли омонатларидаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги тегишли қарори асосида ўтган асрнинг 90-йиллари бошида аҳолининг банкларда қолиб кетган жамғармалари индексация қилиниб, омонатчиларга 45,6 млрд. сўм маблағ тўланди. Ана шу муҳим тадбир собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчилардан бўлиб ўтказилдики, бунинг эвазига аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи сақлаб қолинди. Натижада аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари банк оборотига киритилиб, охирги икки йил давомида унинг ҳажми уч баравар ўсди.

Айниқса, Президентимизнинг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони банк тизими таркибининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Чунончи, бугунги кунда республикамизда 12 та хусусий банк фаолият кўрсатиб келмоқда.

Охирги йилларда қўлга киритилган ютуқларимиздан яна бири шуки, биз миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияланувига эришдик.

**— Шу ўринда миллий валютамиз конвертацияси масаласига аниқлик киритсангиз. Маълумки, Қўшни Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари Халқаро валюта жамғармаси билан келишувнинг 8-моддасини биздан олдин бажаришга киришдилар. Бунинг бирон-бир объектив сабаби борми?**

— Албатта, бор. Бу ҳақда гапиришдан аввал ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг узоқ йилларга, барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилганини таъкидлаб ўтишни истардим. Биз ўтиш давридаги барча қийинчиликларни ўз бўйнимизга олиб, келгуси авлодларимизга четдан олинган миллиардлаб қарзларни эмас, балки Юртбошимиз таъбири билан айтганда, озод ва обод юртни қолдирмоқчимиз. Шу боис биз қарз ҳисобидан вақтинчалик муваффақиятга эришишдан воз кечиб, иқтисодиётни таркибан қайта қуриш ва уни ривожлантиришни афзал кўрдик.

Янги мустақил давлатларнинг барчасида ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш силлиқ кечмаётгани, унга чуқур мушоҳада, ҳисоб-китоб ва аниқ режаларсиз, ҳеч қандай тайёргарликсиз ўтишга ҳаракат қилинганлиги оқибатида тангликлар юзага келганини эсласангиз, Ўзбекистон танлаган йўл нечоғли тўғри бўлганини кўрсатмоқда.

Гап шундаки, ўша пайтда четдан қарз олиш ҳисобига валютани эркинлаштириш сиёсатини амалга оширган давлатлар ҳозирги кунда ўз қарзларини қайтариш ва фоизлар тўлашда катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шунинг ўзиёқ бундай четдан қарз олиш сиёсати қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бир мисол. Қирғизистон Республикаси халқаро молия ташкилотларидан йирик миқдорда кредитлар олиш эвазига 1995 йилда жорий халқаро операциялар бўйича ўзининг миллий валютаси конвертациясини таъминлаган эди. Олинган кредитларни четдан истеъмол товарлари сотиб олишга сарфлаб, ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этмаганлиги ва қўшимча валюта тушумига эга бўлмаганлиги сабаб ҳозирда у қарзларни ўз вақтида қайтара олмаслигини расман тан олди. Кредиторларнинг Париж клубига 2 млрд. долларга яқин кредитлардан воз кечиш ёки ҳеч бўлмаганда, уларни қайтариш муддатини узайтириш бўйича мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Энди бу борадаги жаҳон тажрибасига бир назар ташлайлик. Масалан, Буюк Британия ва Франция давлатлари Халқаро валюта жамғармасига 1945 йилнинг 27 декабрида аъзо бўлган бўлсалар-да, ўзаро келишувнинг 8-бандини фақат 1961 йилнинг 15 февралидан бажаришга киришган. Греция ва Хитойда эса бу жараён 1996 йилнинг 1 декабридан бошланган. Бизнинг республикамиз Халқаро валюта жамғармасига 1992 йил 21 сентябрда аъзо бўлган эди. Ўтган йиллар ичида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини шакллантиришга қаратилган қатъий валюта сиёсати амалга оширилди, республикамизда барқарор иқтисодий ўсишга, валюта маблағларининг доимий тушуми манбалари ва етарли даражада валюта захираларини шакллантириш орқали миллий валютамизнинг харид қувватини четдан олинадиган қарз маблағларисиз сақлаб туришга замин яратилди. Пировардида 2003 йилнинг 15 октябридан эътиборан Халқаро валюта жамғармаси Низомининг VIII-моддаси талабларини қабул қилдик. Агар миллий валютамиз 1994 йилда муомалага киритилганини ҳисобга оладиган бўлсак, биз 9 йилда унинг конвертациясига эришдик.

Биргина нефть маҳсулотлари таъминоти масаласига тўхталсак, 1996 йилда жаҳон бозорида 1 баррель (159 литр) нефтнинг нархи 15-20 АҚШ доллари миқдорида эди. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич 50 долларга яқинлашиб қолди. Агар ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши, Фарғонада эса мавжуд нефтни қайта ишлаш заводининг қайта таъмирланиши амалга оширилмаганда эди, республикамиз ушбу нархларда нефть сотиб олиш учун катта миқдордаги валюта захираларимизни сарфлашга мажбур бўларди.

Шу билан бирга, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатимизда ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун йилига ўртача 900 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф қилинарди. Ваҳоланки, буғдойни ўзимизда ҳам етиштириш имконияти мавжуд эди. Шунинг учун бошоқли дон экинлари экиладиган майдонлар кескин кўпайтирилди. Деҳқон ва фермер, шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун ер участкалари ажратилганлиги ҳисобига ўлкамизда ғалла, картошка, мева, сабзавот, гўшт ва сут каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми сезиларли даражада ортди. Натижада ҳозирги кунга келиб, озиқ-овқат маҳсулотлари импортини қарийб 3 баравар камайтиришга эришилди. Умуман, юқорида қайд этилган соҳаларда амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистонда ҳар йили 1,5 млрд. АҚШ доллари атрофида валюта маблағларини тежаб қолиш имконини бермоқда.

Тежалган валюта маблағлари ўз навбатида кўплаб янги инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришга йўналтирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, кўплаб янги корхоналар қурилиб, ишга туширилди, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари эса қайта жиҳозланди. Қолаверса, Ўзбекистон учун мутлақо янги бўлган саноат тармоқларига асос солинди.

Ўтган давр мобайнида валютага оид қонунчилигимизда ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта фонди битими VIII моддасининг 2(а), 3- ва 4-бўлимларида кўзда тутилган мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири тайёрланиб, у 2003 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг сессиясида тасдиқланди.

Валюта бозорининг эркинлаштирилиши ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар учун қулай айирбошлаш курсининг сақлаб турилганлиги тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, бунинг ҳисобига валюта тушумини кескин ошириш имконини бермоқда.

Айни пайтда олтин-валютамиз захираси шундай миқдорга етказилдики, унинг ҳажми алмашув курсини барқарор сақлаб туриш ва валютага бўлган талабни тўлиқ қондириш имкониятини туғдирмоқда. Одатда халқаро талабларга кўра, олтин-валюта захиралари мамлакатнинг 3 ойлик импортини қоплайдиган даражада бўлиши лозим. Ҳозирда мавжуд захираларимиз эса мамлакатимизнинг 6 ойдан ортиқ импорти ҳажмини қоплашга қодирдир.

Шу билан бирга, бозорларда, меҳмонхона, аэропорт, темир йўл вокзаллари ва аҳоли гавжум бўлган бошқа жойларда валюта айирбошлаш шохобчаларининг доимий фаолият кўрсатиши таъминланаётир. Бугунги кунда уларнинг сони 1500 тага етди. Улар кунига ўртача 12 мингдан зиёд кишига хизмат кўрсатмоқда.

**— Банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз...**

— Банкдан ташқари нақд пул айланмаси сезиларли даражада эканлиги ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Банклар томонидан корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги мавжуд пул маблағлари қонунчиликда белгиланган тартибда, биринчи талабга биноан, нақд пул қилиб берилмоқда. Аммо уларнинг катта қисми ўз вақтида ва тўла ҳажмда банк кассаларига қайта топширилмаяпти. Бундай ҳолатнинг давом этиши, ўз навбатида, банк тизимининг самарали фаолият кўрсатишига, пул муомаласини оқилона ташкил этишга тўсқинлик қилади, ҳатто у инфляция жараёнларининг ўсишига олиб келиши мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, банкдан ташқаридаги нақд пул маблағларининг асосий қисми оддий халқ қўлида эмас, балки тадбиркор номи билан ниқобланган бир талай «сохта ишбилармонлар» қўлида қолиб кетмоқда. Улар қонунни бузган ҳолда, яъни савдо лицензиясига эга бўлмай туриб, касса аппарати ўрнатилмаган шохобчаларда маҳсулотларини сотмоқдалар. Аҳоли томонидан билиб-билмасдан бундай сохта тадбиркорлардан акциз маркасига эга бўлмаган, сифати кафолатланмаган, ноқонуний равишда ишлаб чиқарилган ёки келиб чиқиши номаълум товарларни харид қилиши ҳамда кўпгина ҳолларда харид чекини талаб қилмаслиги эса муаммони янада жиддийлаштирмоқда.

Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда, жумладан, япон халқининг шундай хусусияти борки, улар чет эл буюмидан кўра ўз юртида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олишни афзал кўради. Чунки бу давлатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархи қиммат бўлсада, японлар айни шу маҳсулотни сотиб олиш билан мамлакат ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга, ўз навбатида, тадбиркорлик, яратувчилик ҳаракатининг тараққий этишига ўз ҳиссасини қўшишни шараф деб билади.

Юқоридаги фикримизни давом этириб,яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтсак. Сўнгги йилларда кўпгина шаҳар ва туманларимизда хусусий транспорт билан аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси тобора ривожланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Улар йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишмоқда. Лекин кўпчилик ҳолларда бундай тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб, шахсий автомашиналарда киракашлик билан шуғулланмоқда. Бунинг оқибатида улар томонидан олинаётган мўмайгина даромад солиққа тортилмаяпти, банк кассаларига кирим қилинмаяпти. Ноқонуний равишда хизмат кўрсатувчи хусусий транспорт хизматининг кенгайиши эса банкларга нақд пул тушумини камайтириш билан бирга автотранспорт корхоналари фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Энг ёмони, бундай салбий ҳолатлар савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пул тушумларининг банк кассасига тушмаслигига ва иқтисодиётда назорат қилиниши қийин бўлган пул оқимларининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Натижада банклар томонидан иш ҳақи, нафақа, стипендия, ёрдам пули каби ижтимоий аҳамиятга молик тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши қийинлашмоқда.


COSCOM

EN ISO 9001
Сертификат
75 100 70020

Ҳурматли юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари!
«COSCOM» сизларни **Мустақиллик байрами** билан қизғин табриклаб, барчангизга фаровонлик, ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

**16.08.2004 дан 30.09.2004 гача**
**«COSCOM» сизларга тақдим этади:**

**Барча тариф режаларига**
**ҲАҚИҚАТАН ҲАМ БЕПУЛ УЛАНИШ,**
**шунингдек, 20 дақиқа бепул эфир вақти.**



**СИФАТИГА БАҲО БЕРИНГ!**

NEW

**Тариф режалари:**

**«FORUM»**

Ўзбекистоннинг барча уяли алоқа операторлари абонентларига чиқиш қўнғироқларининг бир дақиқаси —

**$0.05**

«COSCOM» тармоғи ичидаги кириш мобил қўнғироқлари — БЕПУЛ.

**«COSCOM-LUX»**
**энди бор-йўғи —**
**$65**

**ҲАҚИҚАТАН ҲАМ СИФАТЛИ ТАРМОҚ**

Нархлар қўшимча қиймат солиғисиз кўрсатилган. Тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган кундаги курс бўйича амалга оширилади.

**WWW.COSCOM.UZ**
**Телефонлар: 180-00-00, 181-00-00, 182 00-00.**
**Хизматлар лицензияланган.**

# ТИЗИМ

Кўриниб турибдики, ноқонуний равишда иқтисодий фаолият юритиш, накд пул шаклидаги савдо тушумининг аксарият қисмини банк кассаларига топширмаслик, солиқлар тўламаслик жамиятимиз учун кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Мазкур муаммонинг ечими эса бизга иқтисодиёт, шу жумладан, ижтимоий соҳанинг кўпгина йўналишларида ислоҳотларни янада жадал олиб бориш имконини беради. Чунончи, нақд пуллар банк тизимида айланадиган бўлса, мавжуд молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошади, банклар иқтисодиётнинг реал секторини кредитлайди, янги иш ўринлари яратилади, қисқача айтганда, улар халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

**— Жорий йилда республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, айниқса, катта эътибор қаратилмоқда. Банкларнинг бу соҳани, хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳам газетхонларни қизиқтиради...**

— Банк тизимининг макроиқтисодиётни барқарорлаштиришда тутган ўрнини қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларида ҳам кўришимиз мумкин.

Хабарингиз бор, 2003 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, 2002 йил 7 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2003 йил 30 октябрда «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган. Бу ҳужжатларга мувофиқ, Марказий банк қишлоқ хўжалигини, айниқса, фермерлар фаолиятини молиявий таъминлашни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Унга кўра, 2003 йилда дастлаб республикамизнинг тўртта вилоятида, 2004 йилдан бошлаб эса қўшимча яна тўртта вилоятда фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хомашёси ва ғалла етиштириш харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмига ўтилди.

Бугунги кунгача давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликлари томонидан тижорат банкларига тақдим этилган 25 мингта кредит аризаси тўлиқ кўриб чиқилиб, уларга жами 50,6 млрд. сўмлик, давлат буюртмасига ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига эса жами 3,9 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шунингдек, қишлоқ жойларда яшовчи аҳолига, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига банк хизматларини кўрсатишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида очилган мини банклар сони ўтган 6 ой ичида 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 324 тага кўпайиб, жами 1003 тани ташкил этди. Шу жумладан, фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясига асосан тугатилган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи мини банклар 183 тага етди.

**— Сўнгги бир-икки ой ичида Ҳамдўстлик мамлакатларида, хусусан, Россия Федерациясидаги айрим банкларнинг лицензиялари қайтариб олиниши анча шов-шувга сабаб бўлди. Айтингчи, бизда бу борада аҳвол қандай? Банк назорати қай даражада самарали ташкил этилган?**

— Энг аввало, Россия банк тизими фаолияти билан боғлиқ шов-шувларнинг қанчалик тўғрилигига баҳо беришдан сақланган ҳолда, халқимизга шуни ишонч билан айтишим керакки, республикамиз банк тизими бугунги кунда пухта асосга эга ва шунинг учун бизда бу каби шов-шувларга умуман ўрин йўқ.

Чунки, биринчидан, мамлакатимиздаги тижорат банклари барқарор ривожланмоқда. Уларнинг активлари ҳозирда мавжуд аҳоли омонатлари миқдоридан бир неча баравар кўп. Қолаверса, уларнинг молиявий фаолияти устидан республика Марказий банки томонидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Иккинчидан, Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб Олий Мажлиснинг 2002 йил апрель ойидаги VIII сессиясида «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонунга мувофиқ, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси ташкил этилиб, унга барча тижорат банклари аъзо бўлган. Бу эса республикамизда банклардаги аҳоли омонатлари мустаҳкам ҳимояланганини яққол исботлайди.

Тўғри, 13 йиллик тарихимизга назар ташласак, бизда ҳам амалдаги қонунчилик талабларини бажармаганлиги учун айрим банклардан банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар қайтариб олинганига гувоҳ бўламиз. Лекин бунинг натижасида бирорта ҳам омонатчи зиён кўрмади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳам Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини оптималлаштиришга йўналтирилган меъёрлар кучайтирилмоқда. Тижорат банклари фаолиятини ўз вақтида, тўғри тартибга солиш мақсадида масофадан назорат қилиш ва инспекция текширувлари ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда Халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси талаблари асосида амалга оширилмоқда.

Бунинг зарурияти шундаки, биринчидан, кучли банк назорати — бу давлатнинг банк-молиявий тизимининг барқарор фаолият кўрсатишига эришишнинг асосий омилларидан биридир. Чунки етарли даражада самарали бўлмаган банк назорати банк секторининг барқарорлигини таъминлай олмайди. Шу боис бутун иқтисодий инқирозларнинг олдини олишда кучли банк назорати муҳим аҳамият касб этади. Иккинчидан, ҳар бир давлат секторидаги назорат механизмининг заифлиги халқаро ҳамкорларнинг ушбу мамлакат банк тизимига нисбатан ишончсизлик билдиришига олиб келади. Халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган самарали банк назорати тизими эса чет эл капиталини жалб қилиш ва халқ хўжалигининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш орқали уларнинг иқтисодиётнинг реал тармоғини кредитлаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Марказий банк жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш маблағларини ҳамда хорижий сармоядорлар маблағларини банк оборотига қўшимча равишда жалб қилиш ва уларни инвестиция жараёнларига йўналтиришни тижорат банклари олдига бош вазифа қилиб қўйганининг сабаби шунда.

Ушбу вазифаларнинг тижорат банклари томонидан қанчалик муваффақиятли уддаланиши уларга яратиб бериладиган шарт-шароитга боғлиқ, албатта. Шуни эътиборга олган ҳолда, банкларнинг бу борадаги фаолиятини Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳали қўлланилмаган ноанъанавий йўллар билан рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, банкларга уларнинг даромад солиғи базасини жисмоний шахслар муддатли омонатларининг ўсиши миқдоригача камайтириш ва бунинг натижасида солиқдан озод бўладиган маблағларни омонатлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини оширишга йўналтириш имконияти яратиб берилди.

Қисқаси, Мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбариятининг бевосита кўмаги остида банк тизимида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар шунчалик кенг кўламлики, уларнинг ҳаммасини бир суҳбатда қамраб олишнинг иложи йўқ. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республика банк тизими мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириш ишига бундан буён ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

**— Суҳбатингиз учун ташаккур!**

**Икром ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.**

AVIALEASING авиакомпанияси

кўп миллатли Ўзбекистон халқини улуғ айём — мамлакат

Мустақиллигининг 13 йиллиги

билан чин юракдан табриклайди.

*Барчага эзгулик, бахт, фаровонлик, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги яратувчанлик меҳнатларида юксак муваффақиятлар тилаймиз.*




AVIALEASING Aviation Company
Sergeli Airport, 700154 Tashkent, Uzbekistan
Tel: +998 (71) 1204950; Fax. : +998 (71) 1204951
E-mail: president@avialeasing.co.uz

FIATA TIACA

9594Б/1803

Liebert HIROSS

ЖАҲОНДАГИ ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАР УЗЛУКСИЗ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ САНОАТ ЖИҲОЗЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

EMERSON. Network Power

Emerson корпорацияси (штаб-квартираси — Сент-Луис, АҚШ, NYSE, EMR) буюртмачиларга қуйидаги саккиз йўналиш бўйича янги технологияларни: Network Power, Appliance Solutions, Climate Technologies, Industrial Automation, Motor Technologies, Storage Solutions, Process Management, Professional Tools,— етказиб бериш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади.
**www.gotoemerson.com**

**Emerson Network Power** йўналиши электроника, информацион технологиялар ва телекоммуникация соҳаларида бизнес билан шуғулланади. Emerson Network Power гуруҳи жаҳон бозорида телекоммуникация ва информацион технологиялар учун электр таъминоти жиҳозларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича етакчи ўринларда туради. Биз мазкур бозорда бир асрдан ортиқ тажрибага эга бўлиб, сизларга ўзгарувчан ва ўзгармас токларни узлуксиз етказиб бериш тизимлари, ҳавони ажойиб мусаффолаш тизимлари ҳамда масофадан назорат қилиш ва бошқариш тизимлари соҳалари масалалари бўйича ўз хизматимизни таклиф этамиз. Бундан ташқари, биз жаҳон информацион технологиялари ва телекоммуникация бозорлари учун энергетик масалаларни комплекс равишда ҳал қилиш ва сервис хизматини кўрсатишни таклиф этамиз. Emerson Network Power гуруҳига кирувчи компаниялар офислари дунёнинг беш қитъасидаги 100 дан ортиқ мамлакатларда фаолият юритмоқда. Emerson Network Power таркибига қуйидаги машҳур компаниялар ҳам киради: ASCO power Technologies, Astes Power, Emerson EnergySystems и Liebert-Hiross.
**www.emersonnetworkpower.com**

**ЎЗГАРУВЧАН ЭЛЕКТР ТОКИНИ УЗЛУКСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАНБАЛАРИ ва ҲАВОНИ АЖОЙИБ МУСАФФОЛАШ ТИЗИМЛАРИ (ИБП)**
**Liebert-Hiross (Италия)**

Liebert HIROSS

*Узлуксиз электр таъминоти етказиб бериш манбалари (ИБП)
*Электр таъминотини яхлит ҳимоя қилиш мосламалари
«Тоза электр таъминоти» мосламалари
*Электр таъминотини тақсимлаш тизимлари ва таъминотни мусаффолаш тизимлари
*Ҳавони ажойиб мусаффолаш тизимлари
*Ҳавони мусаффолаш тизимлари учун яккаблокли сувни совутадиган машиналар (чиллерлар)

**ЎЗГАРМАС ТОКНИ УЗЛУКСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАНБАЛАРИ (ЭПУ)**
**Emerson Energy Systems (Швеция)**

Emerson Energy Systems

*Ўзгармас токни узлуксиз етказиб бериш манбалари
*Аккумулятор батареялари
*Тўғрилагичлар
*Инветорлар
*Контейнерлар ва шкафлар тўплами
*Жиҳозларни масофадан мониторинг қилиш тизимлари

**РЕЗЕРВНИ ИШГА ТУШИРИШ АВТОМАТЛАРИ (АВР)**
**ASCO (АҚШ)**

ASCO

*Резерв электр таъминотини ишга туширадиган, электр токининг йўналишини ўзгартирувчи автоматик асбоблар
*Бир неча электр таъминоти манбаларини бир бирига мослаш (синхронизация) ва назорат қилиш тизимлари
*Импульс ўзгарувчанликни етказиб берувчи (тармоқ фильтрлари)
*Электр таъминоти контакторлари чизмаси ва ёритиш тизимлари тармоқларга бўлиниши, ёритишни бошқариш тизимлари
*Коммутация аппаратларини масофадан назорат қилиш ва бошқариш тизимлари

Товар-сертификатланган

Liebert HIROSS

Vinlad Ҳаётимизни осойишта қиламиз!

EMERSON. Network Power

ЭЛЕКТРНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАБ БЕРИШ МАНБАЛАРИ

Етакчи Америка компаниясидан 450 ВА дан 800 кВА гача бўлган

UPS

Манзил: Тошкент ш., Кушбеги к., 18-уй. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13. Тел./факс: (998 71) 120-66-01.
e-mail: vinlad@sarkor,uz; vinlad@vinlad.com www.vinlad.com

# «Ҳожатбарор» терговчи

## «Каромати» туфайли одамларнинг ити қўйига, нони туяга айланаётгани хусусида

***Биласиз, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Шунданми, бу миш-миш ҳам бир зумда тарқалиб кетди:***

***— Эшитдингизми, фалон терговчининг сейфидан «музлатилган» «дело»лар топилганмиш. Ҳатто баъзилари рўйхатда ҳам йўқ эмиш!***

***Бу гапни эшитган борки, сергак тортди. Кимдир жимгина бош чайқаса, кимдир пичинг аралаш сўз қотди:***

***— Коса тагида нимкоса бўлмаса, терговчиси тушмагур шунча жиноий ишни беркитиб қўярмиди?***

***Бошқа биров афсусланиб, бош чайқади:***

***— Қанча-қанча оилалар бу «музлатилган» ишлар туфайли ноҳақ азият чеккандир...***

***Хуллас, ҳар ким эшитганига қўшиб-чатаверди. Гап-сўз кўпайганидан-кўпайди. Бу орада тегишли идоралар эса асл ҳолатни аниқламоқда эдилар...***

Кўча-кўйда адашиб қолган кишининг кўзига милиционер чироқдай кўринади. Ёки безорилардан калтак еяётган одам «форма»ли ходимни кўрса, паноҳ сўраб, ўша томон ошиқади. Сабаби — милиция ходимларига суянамиз, ишонамиз.

Ана шундай ишонувчан кишилардан бири уйига ўғирликка тушган кимсалардан бировини ушлаб, Янгийўл тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси Исматилла Қосимов ҳузурига борди.

— Манови муттаҳам шериклари билан уйимни ўмаришга аҳд қилган экан. Ўттиз минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кетишаётганида сезиб қолдим. Афсуски, шериклари қочиб кетди. Уларнинг кимлигини мана бу баттол айтар, — деди асабийлашиб.

Терговчи «Дўстлик» ширкат хўжалигида яшовчи Нигматилла Аширалиевнинг бу гапини эшита туриб жабрдийда ёнида бўйин эгиб турган ўғрига кўз қирини ташлаган бўлди:

— Ваҳима қилманг. Айби борми, жазосини олади, — деди қатъий қилиб.

Майорнинг гапидан кўнгли тўлган жабрдийда уйига шошилди. Йўл-йўлакай ўйга толди: «Яхшиямки, бу зараркунандалар жазоланадиган бўлди. Йўқса, яна қанчадан-қанча одамни қон қақшатишарди».

Аммо, унинг хаёлида ушбу фикрлар чарх ураётган лаҳзаларда ўғри аллақачон жуфтакни ростлаган эди. «Бағрикенг» терговчи жиноят иши қўзғатмасдан уни қўйиб юборганди.

Бу ҳангомани эшитганлар ҳангуманг бўлиб қолишди. Айримлар ҳайрат аралаш ёқа ушлашди. Терговчининг «бағрикенг»лигига қарсак чалганлар ҳам, унинг «одамшаванда»лигини алқаганлар ҳам бўлди. Ҳолбуки, терговчидан рўшнолик кўрганлар бариси айбдорлар — гумондорлар эди.

Масалан, Гулбаҳор қўрғонида яшовчи Абдурасул Ибодуллаев тумандаги тажриба-механика заводи олдида маст ҳолда юрган Сарвар Мирзоидовга дуч келиб қолади. Кайфи тароқ Сарвар арзимас нарсадан жанжал чиқаради. Пировардида Абдурасулни уриб, унга тан жароҳати етказади. Буни судга оид тиббий экспертиза хулосаси ҳам тасдиқлайди. Ана шундай пайтда терговчи Қосимов ғалати йўл тутади. Айбдорга меҳр кўрсатгиси келади.



Таажжуб, нечун жабрдийдага эмас? Шу тариқа ушбу жаноб ўз хизмат вазифасига кўра бажарилиши шарт бўлган ишни адо этмайди. Ўз таъбири билан айтганда, «унутади». «Эсидан чиққани» боис иш материалларини тегишли тартибда рўйхатдан ўтказмайди.

Хўш, терговчи нега бундай қилди? Унинг паришонхотирлиги замирида аслида нима бор эди? Буниси бизга қоронғу. Бироқ аниғи шуки, у жиноят ишини ҳисоботдан атайлаб яширганди.

Терговчининг бу янглиғ қилиқларидан бир томон зор қақшаса, иккинчи томон «меҳр» кўраверади. Ҳатто «Чиноз-Тошкент» йўлининг 827-километрида ўз машинасида фалокат содир этиб, йўловчи Ҳайдаровнинг ҳаётидан бемаврид кўз юмушига сабабчи бўлган ҳайдовчи Аҳмедов ҳам шундай мурувватга мушарраф бўлди. Тезкор хабардан сўнг воқеа жойига чиққан терговчи Қосимов тегишли процессуал ҳужжатларни расмийлаштиради-ю, лекин негадир автоҳалокат юзасидан жиноят иши қўзғатишни «эсидан чиқаради». Тўпланган ҳужжатларни ими-жимида бир четга суриб қўяди.

Бир оила боқувчисидан айрилиб, зор қақшаб ётса-ю, терговчи ниманингдир эвазига бошқаларнинг ноғорасига ўйнаса...

Энг қизиғи, инсон ҳуқуқини бузиш ва қонунни менсимасликнинг хўп ҳадисини олган терговчи ёлғизмас, унинг шериги ҳам бор эди. Биласизми, у ким? Янгийўл тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи Қобул Ҳаитметов эди.

Тили бир ҳамтовоқлар қатор жиноятларни ёпишни давом эттиравеpишади. Хусусан, фуқаро Г. Холикулованн номаълум ҳайдовчи уриб юборгани ҳолда жиноятни фош этиш чоралари кўрилмайди. Фуқаро Р. Турсунбоевга нисбатан Пирмуҳаммад Орипбоев ўз машинасида транспорт ҳодисасини содир этган бўлса-да, бу ҳолат бўйича бирон-бир тўхтамга келинмай, ёпди-ёпди қилиб юборилади.

Ёки бошқа далил: Фуқаро Раҳматулло Исоқовнинг ҳовлисидан зотдор ити ўғирланиб кетилади. Бу ҳақдаги ҳужжатлар терговчи Қосимовга келиб тушади. Лекин кутилмаганда йўқолган ит терговчининг «каромати» билан қўйга айлантирилади. Раҳматулло итим йўқолди, десаям Қосимов итинг эмас, қўйинг йўқолган, дея оёқ тираб туриб олади. Бу хурмача қилиғига на кулишни, на куйинишни биласан, киши. Наҳот одамни масхаралаш шунчалар бўлса?!

Қосимовнинг кўзбўямачилик қилганига яраша кошки йўқолган «қўй» топилган, лоақал уни қидириш чоралари кўрилган бўлса. Раҳматулло «Ҳа энди, терговчи бебаҳо одам экан, итимни қўйга айлантириб берди-я» дея хурсанд бўлиб юрармиди? Афсуски, яна эски усул қўлланди: «Ўрага туя тушди — гулдур гуп».

Бу гапларни «Жинипи» русумли телевизорини ўғирлатган Бахтигул Рустамова эшитса, хўрланган ёлғиз ўзим эмас эканман-ку, дея кўнгли таскин топарди. Чунки у ҳам терговчининг «бағрикенглиги»дан куйганлардан. Ҳам мулки, ҳам вақтини бой берганлардан.

Сохтакорлик, фуқаролар ва давлатнинг манфаатига жиддий зиён етказиш, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқлари-ю мурожаатларига беписандлик қилиш билан қараш бора-бора терговчи Қосимовнинг фаолиятида одатий ҳолга айланди. У ўзи кашф этган иш услуби ҳали кўп вақт яшайди, дея чучварани хом санаганини қуйидаги воқеадан сўнг англаган бўлса ажаб эмас.

Ўтган йилнинг февраль ойи эди. Вячеслав Захарченконинг «Москвич»и номаълум кишилар томонидан олиб қочиб кетилади. Ўша куниёқ бу ҳолат бўйича қўзғотилган жиноят ишига Ботир Казаков гумондор тариқасида жалб қилинади. Бу ишни охирига етказиш яна терговчи Қосимовга топширилади. У орадан ҳеч қанча вақт ўтмай гумондорнинг қайин укасини ҳузурига чорлайди. Шундан кейин ошкора олди-берди «савдоси» бошланади.

— 500 000 сўм берсаларинг ёрдам қиламан ва судгача очиқда қолдираман! — дейди қонунбузарликнинг пирига айланган терговчи.

— Бу кўп-ку. Озгина арзонлаштиринг, дея ялинади гумондорнинг қайин укаси.

Хуллас, «тадбиркорлар» суришасуриша 400 минг сўмга келишадилар.

У ўз хизмат хонасида 250 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида Янгийўл шаҳар миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди. Худди шу маҳалда Қосимовнинг ҳамтовоғи — туман тергов бўлинмаси бошлиғи Қобул Ҳаитметов жавобгарликдан қўрқиб, қаёққадир қочиб кетарди...

Бироқ халқимизда «Бузоқнинг югургани — сомонхонагача» деган гап бор. У вақти-соати келиб шериги қатори қонун олдида жавоб бериши муқаррар.

**Қурбон ЭШМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

### барча ватандошларни энг улуғ ва энг азиз байрам —

# Мустақиллик куни

### билан чин дилдан муборакбод этади!

*Озод Ватанимиз 13 йил мобайнида катта тарихий йўлни босиб ўтди. Биз ана шу давр ичида улуғ синовлардан ўтиш баробарида ўзлигимизни англадик, миллий ғурур ва ифтихоримиз тикланди. Бу эса янгиланишлар йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизда, иқтисодий ва маънавий юксалишларимизда ўз аксини топмоқда. Шубҳа йўқки, эртамиз бугунгидан-да саодатли бўлади.*

*Азиз юртдошлар!*

*Барчангизни улуғ айём билан кутлар эканмиз, ҳаммангизга тинчлик-тотувлик, оилавий бахт тилаймиз. Севинч ва шодлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин. Бепоён юртимиз узра Озодлик ва Эрк қуёши мангу нур сочаверсин. Муқаддас юртимизнинг шон-шухрати янада зиёда бўлсин. Унинг ёруғ келажак сари дадил бораётган карвонига ва Сарбонига кўз тегмасин. Огоҳлик ва ҳушёрлик ҳисси ҳеч биримизни тарк этмасин.*

*Истиқлолимиз абадий бўлсин!*

*Халқимизни ғаразли кўзлардан*
*ва ёмон ниятлилардан*
*Оллоҳнинг ўзи асрасин.*

OQ YOL

